

20 20 yil "4" May № 650

«Xoshimjon ota baraka biznes» МЧЖга Пахтақайнар ММТП худудидан қишлоқ жўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонини ёрдамчи хўжалик сифатида ажратиб бериш тўғрисида

Такдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6,13,53,57 ва 58 моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон тумани ҳокими захира фондига қарашли ер майдонларидан «Xoshimjon ota baraka biznes » МЧЖ раҳбарига Пахтақайнар ММТП худудидан қишлоқ жўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонини ёрдамчи хўжалик сифатида фойдаланиш учун ажратиб бериш тўғрисидаги 17.03.2020 йил кунги хулосаси тасдиқлансин.

2. «Xoshimjon ota baraka biznes » МЧЖ раҳбарига Пахтақайнар ММТП худудида жойлашган туман захира фондига қарашли қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан ёрдамчи хўжалик сифатида фойдаланиш учун ажратиб берилаётган ер майдони № 148,149,150-контурларда жойлашган жами: 6.50 га ер майдони шундан: 0.37 га экин ер майдони 0.50 га дала томорка, 5.45 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони, 0.07 га ариқ зовур, 0.11 йўллардан иборат ер майдонларини ёрдамчи хўжалик мақсадида ажратиб берилсин.

3.Туман Давлат солиқ инспекцияси Ж.Қўчқаров, туман Статистика бўлими О.Абдуллаев, Туман ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи С.Қурбоновларга ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда тегишли хужжатлар шакллантириш вазифаси юклатилсин.

4. Қуйидаги қарор Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашини навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Қодиров зиммасига қўйилсин.

Туман ҳокими:



К.Джўраев